

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Protected by PDF Ant-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман суди 2024 йил 12 декабрь куни, “Марказий” шаъна фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья Д.Жураевнинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бўстонлиқ туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Миралимов, судланувчи Ф.Куронбоев ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи “Nigora Mirsaitovna” адвокатлик бюроси адвокати Н.Тойчиева иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 248-моддаси 1-қисми билан айбланган Куронбоев Фаридун Хамиджон ўғлига оид 1-1106-2403/407-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

**Куронбоев Фаридун Хамиджон ўғли** (Kuronboyev Faridun Xamidjon o'g'li) 1999 йил 25 июль куни Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, Тожикистон Республикаси Хўжанд давлат F.Ғулом номидаги университетнинг 4-босқич талабаси, бўйдоқ, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам судланмаган, Бўстонлиқ тумани, “Узун” м.ф.й., Испай кўчаси, 73-уйда истиқомат қилади, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 3 декабрь куни олган, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчини ҳимоя ва охирги сўзларини эшитиб, йиғилган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И

Ф.Куронбоев, 2024 йил дастлабки тергов вақтида санасини аниқлашнинг имкони бўлмаган август ойининг охирларида ўзининг яшаш хонадони Бўстонлиқ тумани, Узун маҳалласи, Испай кўчаси 73-уйнинг том қисмидан марҳум бобоси А.Куронбоевга тегишли бўлган бир дона ўқ отар қуролни топиб олиб, бу ҳақда маълумот бермасдан, ушбу ўқ отар қуролни 2024 йил 25 сентябрь кунига қадар уйининг меҳмонхонаси гилам остида

сақлаб келаётган вақтида 2024 йил 25 сентябрь куни соат тахминан 10<sup>30</sup> ларда Бўстонлик тумани ИИБ ЖКБ ва ТКБ ходимлари томонидан ўтказилган “уй-жой дахлсизлигини ҳуқуқини чекловчи” тезкор тадбир ўтказилиши давомида Ф.Куронбоевнинг яшаш хонадони меҳмонхонасининг гилами остидан тегишли рухсатномасиз ўқотар қуролни қонунга хилоф равишда олиб чиқиш мақсадини кўзламай сақлаб келаётганлиги аниқланиб, унинг қўлдан ўтатар қурол холислар иштирокида иш учун аҳамиятли ашё тариқасида олинган.

Ўтказилган судга оид баллистик экспертизанинг 2024 йил 3 октябрдаги 139-сонли хулосасида Ф.Куронбоевдан олинган бир донна стволли қурол 1933-йилда конструктор Д.М.Кочетов томонидан ССР ҳозирги Россия Федерациясининг Тула шаҳридаги “Тула қурол аслаҳа заводи”да ишлаб чиқарилган, нарез қузури 5. Мм калибрли, нишонга олиш мосламаси чап ёнида “10369” ва “60151” рақамли, “Тоз-8” русумидаги карабин ов ва спорт учун мўлжалланган қуролдир. Ушбу қурол ўқ отиш учун яроқлилиги кўрсатиб ўтилган.

Судланувчи Ф.Куронбоев судда, 2024 йил август ойи охири сентябрь ойининг бошлари оралиғида уйининг томига хашакларни тахлаш мақсадида чиққанида томда тахталар орасидан бир қопга солинган ўқ отар қуролни топиб олгани, шу вақтда уйда ўзи ёлғиз боқувчи бўлганлиги, бундан ташқари 80 ёшга кирган бувисини соғлиғи яхши бўлмаганлиги сабабли, топиб олган қуролни топширса қамаб қўйишидан кўрқиб қуролни уйга олиб кириб гилам остига яшириб қўйгани, бу қуролни 2013 ёки 2014 йилда марҳум бобосини қўлида бир марта кўргани, сўнг 2024 йил 25 сентябрь куни уйда бўлган вақтида уйига ИИБ ходимлари икки нафар холислар иштирокида келишиб, ундан уйда ноқонуний сақланаётган нарсалар бўлса ихтиёри билан топшириши ҳақида сўраганларида, томдан қурол топиб олганлигини, гилам остига яшириб қўйганини айтиб гилам тагидан қуролни ўз хоҳиши билан топширгани, ИИБ ходимлари ушбу қуролни ашёвий далил тариқасида олишгани, бу қуролни бировга ўтказиш мақсади бўлмагани, қуролни топширса қамаб қўйишидан кўрқиб уйда сақлаб келгани, бу қуролдан топиб олгандан кейин умуман фойдаланмагани, ҳозирги кунда Тожикистон Республикасида олийгоҳда тахсил олиши, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан енгил жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Г.Расулметов судда, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келиши, 2024 йил 25 сентябрь куни соат тахминан 10 ларда ишда бўлганида унга ҳоким ёрдамчиси кўнғироқ қилиб, ИИБ ходимлари келаётганини бир хонадонга бориш кераклигини айтгани, ишдан кўчага чиққанида ИИБ ходимлари келишгани, ИИБ ходимлари Ф.Куронбоевни хонадонига

Protected by PDF Anti-Copy Free  
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

боришда холис сифатида иштирок этишини сўрашгани, бунга рози бўлиб ИИБ ходимлари билан бирга Ф.Куронбоевни ҳошадонига бориб эшик тақиллатишгани, эшикни Ф.Куронбоевни онаси очгани, кейин Ф.Куронбоев чиқиб келгани, ИИБ ходимлари Ф.Куронбоевдан уйида ноқонуний нарсалар бўлса ўз ихтиёри билан топширишини сўраганларида Ф.Куронбоев томдан бобосидан қолган ов милтиқни олиганини ва уни гилам тагига яшириб қўйганлигини айтиб ов милтиқни ўзи олиб чиқиб топширгани, ИИБ ходимлари бу милтиқни расмийлаштириб олишгани, Ф.Куронбоев мактабда ўқиганда энг фаол ўқувчи бўлгани, маҳаллада ҳам у ҳақида салбий фикрлар йўқлигини айтиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан суд мажлисига ҳозир бўлмаган гувоҳлар С.Куронбоева ва С.Жўраназровнинг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилди.

Судланувчи Ф.Куронбоевнинг айби гувоҳларнинг кўрсатмаларидан ташқари, билдирги (и.в. 6), ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в 8-12), тушунтириш нарсани ашёвий далил тариқасида олиб қўйиш баённомаси ва фотожадвал (и.в. 6-11), Ф.Куронбоевнинг тушунтириш хати (и.в. 14), баллистик экспертизасининг хулосаси (и.в 12-28), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ( и.в 67) ҳамда мазкур жиноят ишида тўпланган холисона ҳамда бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ҳам ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан 2024 йил 21 октябрдаги қарор билан А.Куронбоев вафот этганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 1-қисми, 3-бандига асосан, С.Куронбоевнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланмаганлиги сабабли ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатилиб тўғри хулоса қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 455-моддасида, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги, ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади. Ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатдан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилиши, ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши, суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослаши, суднинг ҳукмда ифодаланган барча хулосалари асосланмиририлган бўлиши лозимлиги қатъий белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси



Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **Protected by PDF Anti-Copy Free** (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark) қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, судланувчи Ф.Куронбоевга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга унинг муқаддас судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймондалигини, чет давлат олийгоҳи талабаси эканлиги, “Узун” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан оилавий шароити тўғрисида берилган далолатномани, тавсифномани, оиласида ёлғиз ўзи боқувчи эканлигини, қилмишининг оқибатини тушуниб етганлигини, жиноят оқибатида моддий зарар етказилмаганлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътироф этиб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосини жиноят содир этилган пайтда базавий ҳисоблаш миқдори 340.000 сўмни ташкил этганидан келиб чиқиб тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, далилий ашё тариқасида олинган ва ҳозирда Тошкент вилояти ИИББ МТ ва ХХ махсус омборида 25/35-325-сонли хатига асосан топширилган бир дона “Т03-8” русумли 10369 ва 60151 рақамли ов ва спорт учун мўлжалланган қурол давлат эгалигига ўтказишни белгилаб, давлат эгалигига ўтказиш қисмини ижросини таъминлаш Тошкент вилояти ИИББ зиммасига юклатишни;

шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга” деб белгиланганлиги сабабли суд, судланувчи Ф.Куронбоевга ҳукм устидан юқори турувчи судга апелляция тартибида шикоят қилиши мумкинлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 465-468, 471-473-моддаларига асосан, суд

### **Ҳ У К М   Қ И Л Д И:**

Судланувчи **Куронбоев Фаридун Хамиджон ўғли** (Kuronboyev Faridun Xamidjon o'g'li) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 248-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 (ўн беш) баравари 5.100.000 (беш миллион юз минг) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Судланувчи Ф.Куробоев Раислик қилган “муносиб хулқ атворда бўлиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирдан сўнг бекор қилинсин.

Далилий ашё тариқасидан олинган ва ҳозирда Тошкент вилояти ИИББ МТ ва ХХ махсус омборида 25/10/2019-сонли хатига асосан топширилган бир дона “Т03-8” русумли 10/10/2019-сонли рақамли ов ва спорт учун мўлжалланган қурол давлат эгаллигига ўтказилсин.

Далилий ашёни белгиланган тартибда давлат эгаллигига ўтказиш қисмини ижросини таъминлаш Тошкент вилояти ИИББ зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>4</sup>-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхалари топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида ушбу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилиши, ЖПКнинг 498-моддасига асосан биринчи инстанция судининг ҳукмлари, ажримлари, агар улар апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин.

**Раислик қилувчи**

*“Ҳукм нусхаси аслига тўғри:”*

**Ж.Наврузов**